

КЎЧИМ СИФАТИДА ҚЎЛЛАНГАН ЛЕКСЕМАНИНГ БАДИИЙ БЎЁҚДОРЛИК АСОСИДА ЯНГИ МАЪНО ҲОСИЛ ҚИЛИШИ.

Тўхтамурод Абдуллаевич Ражабов

Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7651887>

АННОТАЦИЯ

Топилмалар давомчиликнинг маҳсули ҳисобланади. Соч образи эстетик вазифа жараёнида шоирнинг бадиий қарашлари орқали турфа кўринишларда кўчимларни ҳосил қилиши мумкин. Ишқий ифодалар берувчи мотивларда биргина зулф ишқнинг бутун шаклини ифодаласлиги, ишқнинг муҳим мақомларидан бири эканлигини англаймиз. Замонавий ўзбек шеъриятидаги кўчимларни тадқиқ қилишда соч тасвири орқали ифодаланган кўп мисраларга гувоҳ бўлиш мумкин. маълум бир бадиий кўчим муаян хусусияти билан турли кўринишларда турли хил маъноларни ифодалаб келиши мумкин.

Барча даврларнинг ҳақиқий шоирлари адабиётнинг давомчилик ҳақиқатини чуқур англаганлар ва ўз замонлари учун анъана ва наворлик хусусиятларини ўзида жамлаган ашъорлар битганлар. Хусусан зулф билан боғлиқ ижодий топилмалар ҳам мана шундай давомчиликнинг маҳсули ҳисобланади. Албатта, ҳар бир ижодкор хаёлот кенгликларидан жилваланаётган ҳолатларни чиройли далиллаш мақсадида беихтиёр ўхшатишларга мурожаат қилади. Масалан, соч образи эстетик вазифа жараёнида шоирнинг бадиий қарашлари орқали турфа кўринишларда кўчимларни ҳосил қилиши мумкин.

Масалан: Тун ярмида кун туғурди ёки бепарво чиқиб, Зулф аросидин юзини ойга кўрсатганмукин,

Байтдан шоирона дардни, шеърини ҳаёжонни ҳис қилинади. Ўқувчининг ҳам ақлига, ҳам ҳиссиётига таъсир қилади. Навоийнинг ижоди билан танишиб тилимиздаги ҳар бир сўз, ҳаттоки кўшимчанинг ўрни ва салмоғи ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Шеъриятдаги мажозийлик, шартлилик тушунчаларинг Навоийга бориб тақалиш сабаби ҳам шунда. Ушбу мисраларда ҳам шоир ташбеҳи изморни ҳосил қилинган. Яъни шоир ўхшатишни кутмагандай ўзини тутди. Ёрнинг юзи оқликда, гўзалликда тенгсиз. Зулмат қоплаган тунда машуқа юзини очиб юборса, юзнинг гўзаллигидан тун равшанлашади. Сочлари шунчалик қораки, ойдаи юзини тўсиб қўйса ҳамма жой зулмат бўлади. Шоир кун ва тунни ёрнинг юзи ва

зулфига ўхшатади. Зулфи ёр юзини тўсиб турган пайтда ҳамма ёқ зулматда бўлади. Аммо зулф йиғналган пайтда ёр юзи нури билан атроф ёруғланади.

Худди шу каби ҳолат Машраб ижодида ҳам кузатилади:

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,

Жоним қуши сайд ўлди, чу сайёд эшигингда

Ошиқ ёрни тасаввур қилади. Унинг хаёлига келган зулф қалбини тилади. Ёрнинг зулфи жон олгувчи эканлигини таъкидлайди. Агарда Навоий ёр зулфини қаро тунга ўхшатган бўлса, Машраб зулфни жонлантириш орқали у жонига бало бўлаётгани ҳақида ёзади. Бундай кўчимлар зулф ҳақида ҳар бир ижодкор ўзининг шахсий фикри борлигидан далолат беради. Ушбу ўхшатишларга шоир кўнгил кечинмаларининг инъикоси сифатида тарзида қараш асослидир. Воқеликни шоир жуда нозик ва гўзал ифодалайдики, ошиқнинг бутун ҳиссиётлари зулф орқали нафақат ақлимизга, балки туйғуларимизга ҳам таъсирини ўтказа олади. Ишқий ифодалар берувчи мотивларда биргина зулф ишқнинг бутун шаклини ифодаламаслиги, ишқнинг муҳим мақомларидан бири эканлигини англаймиз. Зулфга мурожаат қилиш орқали шоирнинг туйғуларини изҳор этиши кейинги давр шеъриятида ҳам учрайди. Масалан, Эркин Воҳидовнинг “Паришонлик” шеърида қисм орқали бутунни ифодалаб маъно кўчишининг синекдоха усули ҳосил қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Бу орқали замонавий шеърият вакиллари ҳам адабиётнинг бош йўлидан бораётганлигини кўриш мумкин. Кузатамиз:

Зулфими паришонлик одат этди, ё кўнглим

Айлади паришонхол бу қаро паришонлик

Шоир ёрнинг зулфига ёрнинг ўзига қарагандай қарайди. Шоир ёрнинг қаро зулфини эслар экан, энг аввало, буни дам-бадам кўнгли кўмсаётгани ҳақида ёзади. Бу паришонлик, аслида, соғинч. Ошиқ бутун дунёни унутган, атрофдаги ўзгаришларга парво қилмайди, фикру хаёли севгилисида. Бу оддий соғинч эмас, балки қийноққа соладиган қаро соғинч. Шоир, аслида, зулфни эмас, балки маъшуқасини соғиняпти. Умуман олганда, бундай ўзига хос бадий тил хусусияти ва шеърият имкониятларини кўчимлар орқали ифодалаб бериш Эркин Воҳидов шеъриятида бот-бот учрайди. “Поэтик тасвир тарзидаги ўзига хослик ёки поэтик тасвирнинг, поэтик деталларнинг поэтик кечинма тадрижи билан уйғунлиги кўплаб нарсаларни, ҳолатларни, ҳодисаларни бир-бирига қиёслаш, улардан бир-

бирига ҳамоҳанг қирраларни топиш, деталларни “бадий борлиққа” айлантириш натижасида яралади”.

Албатта, соч ошиқлар тилидан сўзлаётган шоир кечинмаларини ифодалашда катта роль ўйнайди. Бу кечинмани ифодалашда сочни ҳаракатлантириб, кўчим турини ҳосил қилиш алоҳида бир воқелик сифатида эътироф этилади. Замонавий ўзбек шеъриятидаги кўчимларни тадқиқ қилишда соч тасвири орқали ифодаланган кўп мисраларга гувоҳ бўлдик. Масалан, Мухаммад Юсуфнинг “Шоир севгиси” шеърида соч образи куйидагича тасвирланган:

Кўриб кўрмасликка олмоқлик осон.

Сизку кўрсангиз ҳам олмайсизу тан,

Мени таниб, ҳатто ҳар кўчамдан,

Сочинингиз қўл сикиб ўтар, ёрижон...

“Шеърият – миллатнинг маънавий қиёфасини кўрсатувчи ўзига хос мезон. Бинобарин, у майда ҳиссиётларни, ўткинчи ҳавасларни эмас, юсак туйғуларни, теран моҳиятни, бетакрор бадий шаклда ифодаламоғи зарур”. Шеърида шоир қизга мурожаат этиб унинг эътиборсизлигидан шикоят қилади. Қиз ҳам йигитни севади, лекин асло сездирмайди. Қизнинг сочлари унинг ёлғонини фош қилади ва йигитга бўлган муҳаббатини ошкор этади. Бу билан соч биринчи планга олиб чиқилади. Тадқиқот хусусиятига мос равишда сочининг жонланишини кўриш мумкин. Навоий, Машраб, Эркин Воҳидов ижодида учрагани каби Мухаммад Юсуф ҳам эътиборни ёр сочига қаратади. Аслида ҳам тадқиқотчи Ҳотам Умутов таъкидлагани каби “Ёзувчининг таланти бадий асрда ҳаётни қайта тиклаш, жонли яратиш қобилиятидир. Илҳом қийин муаммоларни осонлик билан ҳузурли ечишдир. Қайта яратилган бадий оламнинг бетакрорлигини таъминлаш, ҳиссий тасирдорлигига эришиш – маҳоратдир”.

Асрлар оша яшаб келаётган шеърият ва ундаги кўчимларни тадқиқ қилиш билан шоирлар ижодида қайсидир кўчим орқали иккинчи ҳулосага келиш мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Аммо кузатиш жараёнида шоирлар томонидан ҳодисалардан ёрга эмас, балки ёрдан ҳодисаларга кўчган кўчимларни ҳам кузатиш имкониятига ҳам эгамиз. Шоир кун қароликни ёр сочидан, кундуз ёруғликни ёрнинг юзидан олганлигига тўхталади. Албатта, бу жараёнларни кузатиш ҳам тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Масалан, Алишер Навоий ёр қоматини ўз даври учун ниҳоятда кенг қўлланган дарахтга ўхшатади:



Кўрди то сарв қаду гулдек юзингни боғбон,
Гулшан ичра қилмади шамшод ила сунбул ҳавас.
Шоир байтда ташбеҳи мужмал (ноаниқ ўхшатиш)дан фойдаланган. Ёрнинг қадди-қомати шунчалар тўғри ва расоки гўё сарв дарахтига ўхшайди. Бундан англаш мумкинки, Навоий сарв дарахтининг андазасини сарвнинг расолигидан олганлигини даъво қилади. Бундай даъволар бугунги давр шеъриятида ҳам кузатилади. Албатта, давр шеъриятидаги янгилиниш жараёнлари бунга йўл очиб бериши табиий бир ҳолдир. Масалан Эркин Воҳидов “Рашким” шеърида фикрини қуйидагича ифодалайди:
Дегайларки, чаросу ол, гилос олмиш лабингдан ранг,
Лабинг тегса ҳасад қилгум гилос билан узумдан ҳам
“Бадий образ объектив воқеликнинг ғоявий эстетик мазмунли субъектив инъикоси бўлгани учун одамлар қалбидаги энг нозик ҳис-туйғуларни, улар онгига ўрнашолмай турган энг мураккаб фикр ва мулоҳазаларни ҳам ҳаракатга келтира олади”. Навоий сарвни қоматга менгзаган бўлса, бу мисраларда Эркин Воҳидов гилос рангни ёрнинг лабидан олганлигига ишора қилади. Бу ҳол, яъни лабни гилосга мензаш мумтоз адабиётда нисбатан кам қўлланганлиги кузатилади. Тадқиқот жараёнида табиат ҳодисалари ва ҳаёт фалсафасининг инсонга ўхшатилишини ҳам кузатишимиз мумкин:
У ёқда шотутлар тўкилар тагин,
Беҳилар ҳидига тўлади хонам.
Айвонда, хирмонда, Андижон томонда
Куз – мени соғиниб сарғайган онам-
Йиғлади бу йил ҳам келмади болам..
“Шеър гўзаллик туйғусини англаб етган лирик қаҳрамоннинг шахсий, ўта шахсий кечинмаларини ифода этгандагина ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Шеърга худа-беҳуда ижтимоий масалаларни, муаммоларни тиқиштиравериш бадииятни барбод қилади”. Мисолларда шоир соғинч туйғусини ифодалашга ҳаракат қилади. Шеър ва шоирлик дарди билан қадрдон юртига боролмаганини изҳор этади. Қишлоғи уни кутмоқда. Албатта, ҳар кимнинг туғилган жойи – бутун бир ҳаёт. Киндик қони томган гўшанинг ҳар бурчаги азиз. Чинорлар унга ака, тераклар унга ука, аслида. Шоир ҳам ватан тимсолини яратиш жараёнида унинг ҳар бир нарсаси азизилигига тўхталади. Ҳаттоки ундаги ҳаёт ҳам ўзига тегишлигини ёзади. Шоир кузни ўзини соғиниб сарғайган онасига ўхшатади. Бу билан мусаввир каби қўлга қалам олиб онасини

тасвираётганга ўхшайди. Вақт чекланган уни тўхтатиб ҳам бўлмайди, ҳаёт қонқунларидан четга ҳам чиқиб бўлмайди, қайсар юрак эса буни тушунгиси келмайди. Шоир метафора усули билан кузни онага ўхшатиши адабиётшунослигимизда ўта кам кузатилади.

Кўринадики, маълум бир бадий кўчим муаян хусусияти билан турли кўринишларда турли хил маъноларни ифодалаб келиши мумкин. Ижодкорлар ижодини таққослаш орқали “соч”, “дарахт” кабилар турли маъноларни ифодалаш мумкин. Бу жараён, албатта, тарихий давр, сиёсий тузум, замон тараққиёти билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Машраб. Сўз чамани. Т.: Академнашр. Т.: 2020 – Б. 4
2. Воҳидов Э. Сайланма. – Т.: Шарқ. 2001, – Б. 91
3. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар – Т.: Ғофур Ғулом. 1978. – Б. 42.
4. Юсуф М. Сайланма. – Т.: Шарқ. 2007. – Б. 96.
5. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2015. – Б. 2
6. Расулов Т. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 152.
7. Юсуф М. Сайланма. – Т.: Шарқ. 2007. – Б. 40.
8. Ҳасанов Ш. Ойбек шеъриятида лирик кечинма тасвири. – Қарши: Илмий амалий анжуман. 2005. – Б. 20.